

ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРШДА УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ЎРНИ

ХИДИРОВ ФУРҚАТ ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

Махсус касбий фанлар кафедраси

доценти

Аннотатсия: Ушбу мақолада хуқуқ-тартибот масканларида профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги фаолияти, хусусан, умумий профилактика ишларининг аҳамияти ва ижтимоий таъсири таҳлил қилинган. Мақолада профилактика инспекторининг маҳалла, таълим муассасалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликдаги иш усуллари ҳамда профилактик тадбирларни самарали ташкил этишдаги роли ёритилган. Шу билан бирга, умумий профилактиканинг хуқуқбузарликлар динамикасига таъсири мисоллар асосида кўрсатилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, хуқуқбузарлик, умумий профилактика, хуқуқ-тартибот, жамоатчилик, ҳамкорлик, олдини олиш.

Аннотация: В статье рассматривается деятельность инспекторов профилактики в правоохранительных учреждениях по предупреждению правонарушений, с особым акцентом на значение общей профилактики. Анализируются формы и методы взаимодействия инспекторов с населением, образовательными учреждениями и другими субъектами профилактики. Также показано влияние общей профилактики на динамику правонарушений на примере конкретных мероприятий.

Ключевые слова: инспектор профилактики, правонарушение, общая профилактика, правоохранительные органы, общественность, взаимодействие, предупреждение.

Annotation: This article analyzes the role of prevention inspectors in law enforcement institutions in preventing offenses, with a particular focus on the significance of general prevention. It explores the methods of cooperation between prevention inspectors and local communities, educational institutions, and other stakeholders. The study also illustrates the impact of general preventive measures on the dynamics of offenses using practical examples.

Keywords: prevention inspector, offense, general prevention, law enforcement, community, cooperation, crime prevention.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-куватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушкида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда¹.

Хозирги вақтда миңтақамизда ва дунёда ҳукм суроётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чуқур англаймиз. Бу эса ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз ва йўл қўйган

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Ҳалқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, бугун ҳаётнинг ўзи илгари суроётган талабларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Ўтган қисқа давр ичидаги мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг натижасида ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси тизими изчил ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли фармони, 2017 йил 18 апрелдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида»ги 2896-сонли қарорида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчилик органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш каби қатор вазифалари белгилаб берилган².

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси»ги тўғрисида қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш механизми белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташабуси ва раҳнамолигида ҳозирги кунда республикада ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўз вақтида олдини олиш борасида ташкил этиб борилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сонли қарори.

Бугунги кунда ҳар бир профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий худудларда умуман жиноят содир этилишига йўл қўймаслиги, ўзига талабчан бўлиши, мунтазам равишда ҳалқ билан тизимли мулоқот олиб бориши, ҳалқнинг дарди ва қувонч ташвишидан хабардор бўлишлiği, ўзининг оиласи билан ҳудудда яшовчи оилаларга шахсий намуна бўлиши каби вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, ўзига бириктирилган маъмурий худудда “менинг ҳудудимда жиноят содир этилмаслиги керак” деган ғоя билан хизмат олиб бориши лозим.

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида республикамиизда янги ижтимоий-иктисодий жараёнлар юзага келганлиги сабабли хуқуқий демократик давлатни шакллантириш, инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфизлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишдек юксак мақсадларга эришиш учун истиқлол ийларида ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мазкур ислоҳотлар натижасида маҳаллаларда таянч пунктлари ва у ерда профилактика инспекторларининг фаолият олиб боришларига имкон яратилди.

Бугунги кунда профилактика инспекторлари томонидан хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида хуқуқий тарғиботни ташкил этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Профилактика инспекторлари ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жамоат тартибини ва фуқаролар хавфизлигини таъминлаш билан бир қаторда фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Айниқса, сўнгги пайтларда содир этилаётган оғир жиноятлардан бўлган диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси,

гиёҳвандлик ва бошқа турдаги жиноятларнинг қурбони бўлишининг олдини олиш борасида фуқаролар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва тушинтирув ишларини амалга ошириш фаолиятини такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида ахоли ўртасида оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилиш, жойларда маъruzалар ўқиш, давра сұхбати, учрашувлар ташкил этиш, ахоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақиравчи овозли матнни эшиттириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этади.

Маъмурий худуд ахолиси ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини профилактика (катта) инспектори кунлик ва ойлик иш режаси, шунингдек юқори турувчи худудий ички ишлар органининг иш режаси, белгиланган тартибда тасдиқланган жадваллари асосида ўтказади.

Таъкидлаш керакки, ҳар қандай давлатда тинчликни сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш мухим аҳамият касб этади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, давлатдаги мавжуд барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бири маълум бир маъсулиятли вазифаларга эгадир. Ушбу вазифаларнинг ягона мақсад сифатида жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашdir ва булар ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришини юзага келтиради.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ички ишлар органларининг аниқ ва маъсулиятли вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Профилактика инспектори жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг қонунларга риоя этиш ва хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, текширув ва назорат ишларини ташкил этиш, жиноят содир этишга мойил шахслар билан якка тартибдаги

тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш каби ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиб боради.

аҳоли тураг жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс тадбирларни узлуксиз амалга оширишда милиция таянч пунктларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилинганлиги бевосита жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш имкониятини беради. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ўз навбатида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни ташкил этишда ички ишлар органларининг бошқа соҳа хизматлари билан ҳамкорликда ишларни амалга ошириш каби вазифаларни белгиалб берди³.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йилларда ички ишлар органларининг милиция таянч пунктлари негизида маъмурий ҳудуддаги жамоат тузилмалари, айниқса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла посбонлари, яратшириш комиссиялари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар билан ўзаро ҳамкорлигини ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни ташкил этилаётганлиги содир этилиши мумкин бўлган турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хозирги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни.

томонидан кенг жамоатчилик ёрдамига таянган холда махаллаларда оилаларнинг тинчлигини таъминлаш, жамоат тартибини саклаш ва хар кандай турдаги хукуқбузарликларнинг олдини олишга эришилмокда.

Профилактика хизматлари томонидан хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш, хукуқбузарликлар содир этилиш сабаб шароитлари ва унга имкон берган шароитларни аниqlаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этиш борасида аҳоли орасида турли жиноятларнинг олдини олишга оид хукуқий тарғибот ишларини олиб боришларини такомиллаштириш талаб этилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жамоат тартиби ва хавфсизлигининг ахволи тўғридан – тўғри маҳалладаги ички ишлар органлари таянч пункти фаолиятининг қай даражада ташкил этилганлиги билан боғлиқdir.

Бундан ташқари ушбу мавзунинг долзарблигини куйидагилар белгилайди:

- профилактика инспекторларининг хукуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида хукуқий тарғиботни ташкил этиш фаолиятининг ташкилий ва хукуқий асосларини ўрганишни;
- хукуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида хукуқий тарғибот натижалари ҳақидаги статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилишни;
- профилактика инспекторларининг хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасида хукуқий тарғиботни ташкил этиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни ташкил этишнинг бугунги ҳолатини;
- хукуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида хукуқий тарғиботни амалга оширишда қатнашувчи субъектлар ҳамкорлигининг асосий йўналишларини;

- хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида хуқуқий тарғиботни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишина тақозо этади.

- профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этишда янги инновацион технология ва замонавий усулларни қўллаш заруратининг вужудга келаётганлиги;

- профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этишда жамоатчилик билан ҳамкорлигини ўзида акс эттирувчи услубий қўлланмаларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2019

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 03.01.2025 йилдаги ПҚ-1-сон 2025-йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада

такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида »ги ПҚ-5050-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 6 сентябрдаги «Ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшлиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 193- сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил майдаги Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 166-сонли буйруғи.